O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo`rg`on shahar
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2019 у.г. «7» август № 1924-II Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган

**Автобекат қуришга рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ""Обод маҳалла" дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида"ги 3812-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2019 йил 31 мартдаги 23-сонли баёни Каттақўрғон шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимининг хулосасини ҳамда фуқаро Жонгиров Султонбек Шухрат ўғлининг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Фуқаро Жонгиров Султонбек Шухрат ўғлига Каттақўрғон шаҳар "Гўзалкент" маҳалласи Миёнкол кўчаси атрофидан, замонавий шаҳарсозлик лойиҳа ҳужжатлари асосида, вақтинчалик 5 (беш) йил муддатга, таркибида 8х4 метр ўлчамда 1 (бир) та савдо дўкони жойлашган, енгил конструкцияли замонавий автобекат қуришга рухсат берилсин.

2. Фуқаро Жонгиров Султонбек Шухрат ўғли зиммасига:

- енгил конструкцияли замонавий автобекат қурилиши бўйича Самарқанд вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг хулосасини олиш;
- қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва шаҳар Бош архитектори билан келишиш ҳамда ўрнатилган тартибда давлат экспертизасидан ўтказиш;
- қурилиш ишларини қатъий тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида олиб борилишини таъминлаш;
- қурилиш ишлари тугатилиши билан ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориб, объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилишини ташкиллаштириш вазифалари топширилсин.

3. Фуқаро Жонгиров Султонбек Шухрат ўғлига мазкур автобекат Миёнкол кўчаси реконструкция қилиниб, кенгайтирилиши жараёнида бузилишга тушганда ёки автобекат эгаллаган ер майдонини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиш талаб этилганда, бузилишга тушган автобекат учун товон ажратилмаслиги ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими М.Хашимов